

## **АЙРИС МЁРДОК. «ҚЎНҒИРОҚ»: ДОРА ОБРАЗИНИНГ БАДИИЙ ТАҲЛИЛИ**

**Аннотация.** Мақолада Айрис Мёрдокнинг «Қўнғироқ» (The Bell) романи бош қаҳрамонларидан бири бўлган Дора образининг динамикаси, турли вазият ва воқеаларда ўсиб, ўзгариб бориши таҳлил этилади. Бунда муаллиф роман бошида Доранинг субъектив тасвирини бериш орқали унинг ички кечинмалари билан ўқувчини бохабар қилгани, сўнгра ташқи тасвир ёрдамида унинг бир қанча вазиятда ўзини тута олиши ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, мазкур образнинг баъзи хусусиятлари, уларни очишдаги макон, жой ва бошқа образларнинг ўрни ҳамда бадий-эстетик вазифаси очиб берилган.

**Калит сўз ва иборалар:** образ, роман, характер, объектив тасвир, субъектив тасвир, Айрис Мёрдок, бадий код.

**Annotation.** The article analyzes the dynamics of the image of Dora, one of the protagonists of Iris Murdock's novel The Bell, growing and changing in different situations and events. At the beginning of the novel, the author informs the reader about Dora's subjective image by giving her a subjective image, and then with the help of an external image she is able to behave in several situations. Also, some features of this image, the role of space, place and other images in their opening, as well as the artistic and aesthetic function are revealed.

**Keywords and phrases:** image, novel, character, objective image, subjective image, Iris Murdock, art code.

**Аннотация.** В статье анализируется динамика роста и изменения образа Доры, одной из главных героинь романа Айрис Мёрдок «Колокол» (The Bell), в различных ситуациях и событиях. В начале романа автор информирует читателя о субъективном образе Доры, давая ей субъективный образ, а затем с

помощью внешнего образа она способна вести себя в нескольких ситуациях. Также раскрываются некоторые особенности этого образа, роль пространства, места и других образов в их раскрытии, а также художественно-эстетическая функция.

**Ключевые слова и фразы:** образ, роман, персонаж, объективный образ, субъективный образ, Айрис Мёрдок, арт-код.

**Кириш.** XX аср биринчи ярмида адабиётга кириб келган Айрис Мёрдок романларида модернизмнинг мумтоз анъаналарни инкор қилувчи, одамни турли ноқулай ва аянчли ҳолатларга солиб тасвирлаш, жамият қадриятлари устидан аччиқ қулиш каби белгилари, мифопоэтик унсурлар, постмодернизмга хос аччиқ юмор етакчилиқ қилади. Лекин бунда муаллиф воқеаларни баён этар экан, роман жанри ва унинг имкониятларидан самарали фойдаланади. Буни “Қўнғироқ” романидаги Дора тасвирида кўриш мумкин. Зеро, “тасвирланган инсон характери, инсон ҳаракатлари ва инсоний оқибатлари тасвирларини бизга тақдим этилган вазиятга қараб. Улар бизга қийин паллада икки йўлдан бирини танлаш ҳақида қарор чиқаришни ва уларни топишимиз мумкин бўлган ҳаракатлар доирамизни батафсил кўрсатади” [2, 18]. Шу маънода “Қўнғироқ” романидаги Пол, Майкл, Жеймс, Марк хоним каби образлардан кўра, Дора образи ўқувчига ёрқинроқ таъсир этади. Аввало, унинг ҳаётда йўл кўрсатадиган яқин сирдоши йўқ эди. Шунинг учун адашди. Лекин адашган ва ҳойю ҳавасга берилган бўлса-да, борлиқни бадий-эстетик англайди, гарчи иқтидори бўлмаса-да, ўзи ҳам расм чизади, воқеликнинг моҳиятини тушунишга интилади ва охир оқибат характери қатъийлашади. Пол қабилар эса ўзгармайди. Улар ўз хатоларидан тўғри хулоса чиқариш хусусиятига ҳар доим ҳам тайёр эмас. Улардаги бу жиҳат турлича асосланиши мумкин. Лекин барчаси Дора образи ва унинг ўсиб, ривожланиб боришини намоён этувчи, бу аёлга ҳар доим учрайдиган икки йўлдан бирини танлашга шароит ва имконият яратадиган ҳамда шу йўл билан унинг характер қирралари шаклланишини таъминлашга хизмат қиладиган образ сифатида қолади.

Айрис Мёрдок Доранинг ички тасвирини ифодалар экан, образнинг тафаккур кучи, ҳиссийлигини ҳам кўрсатади. Бу, биринчидан, образнинг субъектив тасвирини монологик ёки диалогик нутқ ёрдамида кўрсатишга хизмат қилса, иккинчи жиҳатдан, Дора ҳам реал одам сифатида маълум бир воқеа-ҳодиса, хатти-ҳаракат устида фикр юритиши, тафаккур қилиши, воқеликка ҳиссий муносабатда бўлишини очиқ беради. Бадий образга бундай ёндашув эса образнинг индивидуаллигини таъминлайди. Масалан: «Dora had a powerful imagination, at least in what concerned herself. She had long since recognized it as dangerous, and her talent was to send it, as she could her memory, to sleep. Now thoroughly roused it tormented her with pictures. The reality of the scene she was about to enter unfolded before her in rows of faces arrayed in judgement; and it seemed to Dora that the accusation which she had been prepared to receive from Paul would now be directed against her by every member of the already hateful community. She closed her eyes in indignation and distress. Why had she not thought of this? She was stupid and could see only one thing at a time. Paul had become a multitude.

She looked at her watch and realized with a shock that the train was due to arrive at Pendelcote in less than twenty minutes. Her heart began to beat in pain and pleasure at the thought of seeing Paul. It was necessary to return to the carriage. She powdered her nose, tucked her untidy blouse back again into her skirt, settled her collar, and plunged back towards her seat, keeping her head well down[3, 9]. («Доранинг тасаввури қудратли эди – ҳар қалай у ўзи ҳақида ўйлаганда шундай эди, унинг нақадар хавфли эканлигини англари, ва уни, худди хотира сингари, хотиржам қилмоқни ўрганиб олди. Бироқ ҳозир тасаввури яна ўйнай бошлади ва турли қиёфага кириб, уни азоблай бошлади. У кириб борадиган реаллик уни муҳокама қиладиган одамлар каби намоён бўла бошлади. Чамаси Дора Полдан эшитадиган танбеҳи энди унга нафрат билан қарайдиган жамоанинг ҳар бир аъзосидан чиқади. Кўнгилсизлик уни беҳол этди ва у кўзини юмди. Нима учун бу унинг ҳаёлига келмади? Одам шунчалар ҳам ахмоқ бўладими — бурнининг остидан нарғини кўролмасая!? Пол кўп қиёфали махлуқдек кўринди.

Қўл соатига қаради ва даҳшат ичра тушундики Пенделкотга йигирма дақиқача йўл қолди. Тезда у Полни билан учрашишини хаёлига келишиданоқ юраги оғриқ ва шодликдан зиркираб кетди. Купега қайтиш лозим. Бурнига упа суртди, корсет чиқиб, тартибсиз турган кўйлагини тўғрилади, ёққасини қадади ва бошини қуйи солганча ўз жойига қайтди»).

Бу ўринда Дора бадий образ сифатида эри ва у яшаб турган жамоа билан учрашишини ўйлар экан, юраги азобда сиқилади. Бу эса **аёлнинг** воқеликка ҳиссий муносабати, барча уни дайди аёл деб танбех бериши ҳақидаги тасаввури оқибатида хаёлида юз беради. Бу субъекти тасвир бўлса, учрашишга йигирма дақиқа вақт қолганини ўйлаши билан эса у ўзини босиб олишга интилишида объектив тасвири берилган. Демак, Дора санъаткор сифатида тасаввурга бой аёл, у одамларнинг ўзи ҳақидаги баъзи салбий фикрларидан кўрқади, лекин шундай бўлса-да ўзини қўлга олиб характер кўрсатишга интилади. Яна ҳам юраги сиқилиши ва шодланиши остида биров тушунарсиз ҳолат бордек туюлса-да, аслида Дора субътида икки одам яшаётганига ишора бор. Бири ҳамма биладиган нисбатан адашган аёл бўлса, иккинчиси виждонли, ўз ҳолатини тушунадиган шахс борлигига ишора қилади. Лекин у ҳали анча нофаол бўлиб, воқеалар давомида фаоллаша бошлайди.

Дора ўзи бораётган нотаниш жамоани ўзича тасаввур қилади. Бунда ўз қилмиши, Полнинг у ҳақда жамоага айтган гапларини юрагидан ўтказиб, ўзи ҳақда қандай хаёлга борганликларини ҳис этади. Шунинг учун юқоридаги **парчада** кийимларини тўғрилаб, бошини қуйи солганча жойига ўтиради. “*Бошни қуйи солиш*” деганда ёзувчи образнинг ўзининг нисбатан енгилроқ ҳиссий эҳтиёжлари, орзу-ҳавасларидан келиб чиқиб ҳаётни ўйин билгани, шу орқали ўз умрини ҳам ҳалокат оёқасига олиб келганини илк бор теран англай бошлаганига ишора бор. Бу унда уйғона бошлаган маънавий-руҳий такомилни умумлаштириб, конкрет ҳис этиладиган даражада бадий образ сифатида ифодалашга асос бўлган. Доранинг вазияти дастлаб фақат унинг ўзига тегишли бўлган ва шу ерда у индивидуаллашади. Аммо воқеалар ривожидан давомида унинг ўз ҳаётини қайта англашга интилиши натижада шаклланган характер

қирралари умумлашмалик касб этади. Натижада образ дастлаб индивидуал кўринишга киради. Кенг маънода эса умумлашмалик хусусиятини намоён этади.

Доранинг ўзига хослиги унинг Имбер Кортга илк келган кунида, жамоа билан биринчи марта ибодат қилишга чоғланганда кўринади. Доранинг чўкка тушишдаги вазияти, сўнгра ибодат тугамасдан жамоани тарк этиб, қаср майсазорида оёқ яланг юриши мазкур образнинг индивидуаллигини кўрсатади. Бу хусусият қизнинг ўзини кўрсатиш ва бошқалардан ажралиб туриши учун ўзига дарс берган мураббий билан яқинлашишга уриниши, унга турмушга чиқиши, кейин бундан афсус чекиши, қишлоққа бориб майхонага кириши, йўлда адашиб қолиши, Имбер Кортда расм чизиши, кучли тасаввурга эга бўлиши, баъзи ўринларда воқеалардан олдинга ўтиб кетиши, кўл атрофида ёлғиз сайр қилиб, табиатдан баҳра олиши, тез-тез иккиланиши кабиларда ҳам кўринади. Бир қарасанг бу одатий ҳолдек туюлади. Аммо ўзини шу жамоага ёки аристократ оилага мансуб билган инглиз аёлларига нисбатан бундай деб бўлмас эди.

- **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).** «Every literary text is built out of a sense of its potential audience, includes an image of whom it is written for. every work encodes within itself what Iser calls an 'implied reader', intimates in its every gesture the kind of 'addressee' it anticipates» [1,72-73]. (Ҳар бир адабий матн яширин имконияти бор ўқувчиларга мўлжаллаб, шу жумладан, асар кимга мўлжалланган бўлса, ўшанинг образи ҳам, қурилади. Ҳар бир асар... “ўз ўқувчисини” кутади, ҳар бир ишорасида кутилаётган “адресат”ни назарда тутади, ўзидаги шартли белгиларни очади). Демак, ҳар бир бадиий асар матнида, жумладан, ундаги образлар тасвирида ҳам кенг фикрловчи ўқувчи учун махсус яширин белгилар мавжудлигидан келиб чиқсак, Дора образи ҳам бир қанча тағмаъноларга, ишораларга эга бўлиши мумкин. Шу маънода романдаги образлар, айниқса, Дора образи ва унинг ҳар сўзи, хатти-ҳаракати замирида ёзувчи қандайдир тағмаънога ишора қилади. Бу эса мазкур образнинг метафориклик хусусиятига ишора қилади. Бунда образ биз матнда ўқиган,

кўргандан кўра кўпроқ маъно-моҳиятга эга бўлади. Асарни ўқиган ўқувчи уни диққат билан ўқиса, унда ўзига аталган бадиий код ёки матннинг ички тузилмасидаги тағмаёноларни англаши мумкин. Мазкур фикримизни исботлаш учун куйидаги парчага мурожаат қиламиз: «Dora climbed the steps, trailing her hand upon the wide sloping stone banister. It was warm from the sun. She shivered slightly as she touched the house. In a moment she found herself upon the wide paved balcony under the portico. The tall doorway ahead of her led into a large hall. All was rather dark within, as no lights had been turned on yet. Dora followed James and Toby through the door, and got an impression of a great staircase, and of people hurrying through the hall and out by another door at the far end. There was a stale smell, like the smell of old bread, the smell of an institution». [3,13] ( Дора кундузги кўёш тафтини сақлаб қолган, тошдан ишланган кенг панжарани ушлаб зинадан кўтарилди. У уйга кириши билан озгина титраб кетди. Кейин кенг ва катта балконга кирди. Баланд эшиклар кенг залга олиб чиқди. У ер эса ним қоронғу бўлиб, ҳали чироқлар ёқилмаган эди. Жеймс ва Тоби ортидан залга кирди. Ғира-ширада зинани, кейин шошганча зални кесиб ўтиб узоқ бурчакдаги эшикка кириб, ғойиб бўлган одамларни пайқади. Уйда худди моғор босган нон ҳидидек намиққан ҳид бўлиб расмий хона руҳи мавжуд эди.).

- **Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** Эътибор қилинса, ташқи томонидан салобатли кўринган қаср ички томондан ҳавоси айниган, ним қоронғу ва яна расмий, сийқаси чиққан мажлисларга мўлжалланганини кузатиш мумкин. Ёзувчи мазкур тасвир орқали Лондонда кенг, ёруғ уйларда, асосийси, эркин яшаб ўрганган аёлга бу ернинг ҳавоси ва муҳити ёқмаслиги берилар экан,бу икки муҳит ўзаро қиёсланмоқда. Мазкур ишоралар ортидан эса бундай муҳитдаги жамоа қанчалик етук ва аҳил эканлигини англаш қийин эмас. Чунки Дора тасаввур қилган ва йўлда келгунича ичида кўрқиб, ҳадиксираб келган қаср ва ундаги диний эътиқоди мустаҳкам, ҳалол ва ахлоқан пок кишилар жамоаси бундай муҳитда яшабини тушуниш қийинроқ эди. Хулоса қилиш мумкинки, Дора ҳадиксираган, уни қўлларини бигиз қилиб кўрсатадиган аслзода, асл қадриятлар эгалари бўлган одамлар ҳавоси намиққан, ним қоронғу жойда

яшашлари ортида уларнинг ҳам ҳаётлари “тоза” эмаслигига ва келгуси турмушлари “ёруғ” бўлмаслигига ишора келтирилган. Террий Иглтон таъкидлаган махфий белги ёки бадий кодлар бу жамоанинг ўзи ҳам покланишга муҳтожлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам Дора энди ўзини анча тутиб олган ва янги муҳитга мослаша бошлаган эди. Аслида бу аввалроқ, аниқроғи, у поездда бирга келган Жеймс ва Тоби билан машинада Имбер-Кортга келишда сезила бошлаган эди. Жеймс ва Тобининг поезддаги маънили суҳбати, қаср жойлашга макон ва қаср тасвирининг ўзиёқ аёлда хайратни уйғотган эди.

- **Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).** Аслида ёзувчи роман бошида Дора образидаги қатор салбий жиҳатларни келтирар экан, уни ўғай ота хонадонида ўсгани, онаси билан муносабати яхши бўлмаганини таъкидлайди. Бу ерда ёш қизчанинг отаси ўрнини бошқа эркак эгаллаганида онасидан жаҳли чиққани кўрилса, ўқишни эрта ташлаб кетиши каби «Бир қатор воқеалар Доранинг амалий масалаларда қобилиятсизлигини ва Имберга мос келмаслигини кўрсатади. У капалакни ҳимоя қилиш учун поездда эри Полнинг нодир ёзишмалар мавжуд дафтарини ташлаб кетган эди. Эртаси куни у вокзалга бориб, унутилган чамадонни олган бўлса-да Имбер жамоасининг бўғиқ муҳитидан узоқроқда, бироз дам олиш учун уни яна тўхтатган жойида қолдирди. Унинг яроқсизлиги ва бепарволиги ибодатхонада кечки ибодат учун мос бўлмаган кийим ва юриш учун жуда ноқулай пойабзал кийганида кўринади. Бу эса Имбердаги одамларга йўқолган туфлини топишда жуда қийинчилик туғдиради. Дора Имбердаги диний хизматда бошини ёпиб, индамай овқатланиш қоидаларидан ёки Марк хонимнинг аёллар анъанавий вазифаларни бажариши кераклиги ҳақидаги гапидан норози эди. У хонани гуллар билан безаш ва бошқаларга қизиқувчан бўлиш тақиқланганидан ҳам норози эди. Бу қоидалар аҳмоқона туюлди ва унга қабул қилиниши мумкин эмас эди. Уларни ҳурмат қилишни ҳам, жамоатнинг тақвосини ҳам ҳурмат қилишини уяти йўқ эди, гарчи эри ундан шуни сўраса ҳам» [4, 80-81].

- **Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations).** Хуллас, роман бошида у ана шундай бепарво, лоқайд характерда тасвирланган. Лекин воқеалар ривожидавомида ўзларини Дорадан маънан устун деб билган бошқа қишилар, жумладан Кэтрин ва унинг акаси, Жеймс, Тобилар ҳам ахлоқан авлиёдек покиза ва етук шахс эмасликлари ойдинлашади. Улардан фарқли равишда Дора характерини намоён эта боради ва роман охирида тўғри йўлга чиққандек таассурот қолдиради. Шу ўринда яна бир нарсани айтиш керакки, Майкл Дорани ўзи танлаган касбга қайтишни ва яшаш жойини ўзгартиришни маслаҳат беради. Натижада қиз Имбер Корт атрофидаги табиатдан нусха кўчиради. Яшаш жойини, айниқса, Лондонни ўзгартирмасликка қийналади, аммо охир оқибат Лондонга қайтмасликка қарор қилади. Бунда унга дугонаси Саллининг Бат шахрига кўчиб ўтгани ва ўрта мактаблардан бирига расм ўқитувчиси бўлиб ишга кирган ҳамда икки кишилик квартира олгани ҳақидаги хат таъсир қилади. Дора энди фикрини жамлаб, реал қарор қабул қиладиган, иродали аёл сифатида намоён бўлади. Лекин **биз кўниккан** анъанавий романлар каби қатъий бадиий хулоса берилмайди. Балки асосий фикр ўқувчи зиммасига қолдирилади. Бу ҳам Айрис Мёрдокнинг ўзига хос услубидан бири саналади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Eagleton, Terry, Literary theory: an introduction. The University of Minnesota Press, 111 Third Avenue South, Suite 290. Minneapolis, Fourth printing, 2003. – P.234. <http://www.upress.umn.edu>
2. Jill Paton Walsh. Philosophy and Fiction // Published by the Iris Murdoch Society in association with Kingston University Press Kingston University. – London, 2011. – P.62. <http://fass.kingston.ac.uk/kup>
3. Iris Murdoch. The Bell. Vintage classics. 1958. - 265 page. <https://caliber-ebook.com>.
4. Nabuko Hashimoto. Dora's Growth in He Bell. // Kawasaki journal of Medical Welfare. April, 25, 2001. – P.79-86.